



Theoretical and legal aspects of understanding human rights

Nodirakhon PULATOVA¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2025
Received in revised form
15 July 2025
Accepted 15 July 2025
Available online
25 August 2025

Keywords:

human rights,
freedoms,
duties,
justice,
dignity,
equality,
personality,
individual,
state,
constitution,
international law,
natural rights,
democratic society.

ABSTRACT

The article explores the theoretical and legal aspects of understanding human rights, their essence, historical development, and contemporary relevance in a democratic society. It examines the interrelation between individual rights, freedoms, and duties, the role of the state in their protection, and the correlation between national and international legal norms. Special attention is given to the concept of human dignity and its philosophical and legal interpretation.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss4-pp167-177>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Инсон ҳуқуқларини тушунишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

инсон ҳуқуқлари,
эркинликлар,
мажбуриятлар,
адолат,
қадр-қиммат,
тенглик,
шахс,
индивид,
давлат,
конституция,

Мақолада инсон ҳуқуқларини тушунишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари, уларнинг моҳияти, тарихий ривожланиши ва демократик жамиятдаги замонавий аҳамияти ёритилган. Шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари ўртасидаги боғлиқлик, давлатнинг уларни таъминлаш ва ҳимоя қилишдаги роли ҳамда миллий ва халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинади. Инсон қадр-қиммати тушунчасига ва унинг фалсафий-ҳуқуқий талқинига алоҳида эътибор қаратилган.

¹ Doctor of Science in Law (DSc), Tashkent State University of Law. E-mail: dilanor@mail.ru

халқаро ҳуқуқ,
табиий ҳуқуқлар,
демократик жамият.

Теоретико-правовые аспекты понимания прав человека

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

права человека,
свободы,
обязанности,
справедливость,
достоинство,
равенство,
личность,
индивид, государство,
конституция,
международное право,
естественные права,
демократическое
общество.

В статье рассматриваются теоретико-правовые аспекты понимания прав человека, их сущность, историческое развитие и современное значение в демократическом обществе. Анализируются взаимосвязи между правами, свободами и обязанностями личности, роль государства в их обеспечении и защите, а также соотношение национальных и международных правовых норм. Особое внимание уделяется понятию достоинства человека и его философско-правовому осмыслению.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимоясининг таъминланганлик даражаси замонавий давлатларнинг демократик ва цивилизациявий ривожланганлигини аниқ-тиниқ кўрсатувчи ва белгиловчи омил сифатида халқаро ҳамжамият томонидан яқдил эътироф этилади. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашга устувор ва ўта муҳим вазифа сифатида қаралиб, кейинги йилларда бу масалада жуда катта ижобий ўзгаришлар содир бўлганлигини халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда.

Шу ўринда инсон ҳуқуқлари назарияси дунёда анча батафсил ишлаб чиқилганлигини, мамлакатимизда ҳам бу масалада муайян натижаларга эришилганлигини таъкидлаш зарур.

Давлат ва инсон ўртасида юзага келадиган мураккаб алоқалар, инсонларнинг бир – бири билан ўзаро муносабатлари давлат томонидан ҳуқуқий шаклда, яъни ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар шаклида қайд этилади. Бу энг муҳим сиёсатлардан бири жамиятнинг ижтимоий тузилиши, демократия даражаси, қонунийлик ҳолати билан узвий боғлиқ бўлган ҳуқуқий тоифалардир.

Инсон – ер юзидаги тирик организмларнинг энг юқори босқичи, ижтимоий – тарихий ва маданий фаолият субъекти, жисмоний ва маънавий, табиий ва ижтимоий, ирсият ва рухиятга эга бўлган ҳаёт тизимининг бирлигидир.

Инсон фақат жамиятда ўзининг ҳақиқий табиатини намоён этиши мумкин ва унинг табиатининг кучи шахсларнинг кучи билан эмас, балки бутун жамиятнинг кучи билан баҳоланиши керак. Бироқ, ҳар бир инсон такрорланмас индивидуалликни намоён қилади ва айни пайтда у муайян умумий моҳиятни ҳам ифода этади.

Инсоннинг шахси билан боғлиқ хусусиятларни ўрганиш, хис-туйғи, ирода каби тушунчаларни бевосита инсон шахсини очиб берувчи тушунчалар сифатида юзага чиқарди. Шу билан бирга фанда индивид ва шахс тушунчаларини фарқлаш вужудга келди.

Индивид тушунчаси-лотин тилидан олинган бўлиб, индивидуум-бўлинмас деган маънони англатади. Дастлабки лотин тилидан таржимаси, умумийликдаги яъни жамовий тушунчадан хусусийликни англатган бўлса (Т. Цецерон), кейинчалик алоҳида

тирик мавжудот, шахс, жамоада, ижтимоий гуруҳда ва жамиятда алоҳида инсон деган маъноларда қўллана бошлади. Жамият ва индивидни қарама-қарши қўйилиши турли ҳил индивидуализм концепцияларининг вужудга келишига замин яратди.

Фанда индивид тушунчаси мазмун жиҳатдан индивидуаллик тушунчаси билан синоним тарзда ифодаланилади.

“Индивидуаллик” атамаси инсоннинг бошқа одамлардан фарқланишини тавсифлашга имкон беради, бу нафақат ташқи кўриниш, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган барча хусусиятларни ҳам англатади. Лекин маъно жиҳатдан яқин бўлган “шахс” сўзи одатда “кучли” ва “баркамол” маънолари билан бирга келади. Бу шахснинг мустақиллигини, шахсий фикр ва ўз дунёқарашига эга эканлигини ифодалайди.

“Шахс” тушунчаси инсоннинг ижтимоий хусусиятлари билан узвий боғлиқ. Жамиятдан айро шахс ўз (индивид) индивидуаллигини намоён эта олмайди. Чунки жамоадан ташқарида шахснинг индивидуаллигини ҳеч ким ва ҳеч нарса билан таққослаш имкони йўқ.

Шахс-бу умумий ва илмий атамадир: 1) инсон шахсининг муносабатлар ва онгли фаолият субъекти сифатида (кенг маънодаги шахс) ёки 2) шахсни муайян жамият ва жамоа аъзоси сифатида тавсифловчи ижтимоий аҳамиятга эга хусусиятларнинг барқарор тизими. Гарчи бу икки тушунча – шахснинг яхлитлиги сифатида (лотинча персона) ва унинг ижтимоий ва психологик кўриниши сифатида (лотинча персонатитас) шахс-терминологик жиҳатдан анча фарқ қилса-да, улар баъзан синоним сифатида ишлатилади.

Фанда шахс тушунчасига нисбатан икки хил ёндашув мавжуд. **Биринчи ёндашувда** шахс тушунчасини инсоннинг ўзлиги билан ифодалайди. Бу ерда шахс эркин ҳаракатларнинг фаол иштирокчиси, дунёни билиш ва ўзгартира олиш фазилатига эга субъект сифатида намоён бўлади. Бошқа кишилар шахсни жамиятда белгиланган нормалар билан таққослаш орқали баҳолашга бел боғлайдилар. Заковатли инсон доимо ўзини баҳолайди. Шу билан бирга, ўз-ўзини ҳурмат қилиш шахснинг намоён бўлишига ва у фаолият кўрсатадиган ижтимоий шароитларга қараб ўзгаришига боғлиқ.

Шахсни ўрганишнинг **иккинчи йўналиши** уни жамиятдаги функциялари ёки ўрни мажмуи орқали кўриб чиқади. Инсон жамиятда ҳаракат қилади, нафақат индивидуалхусусиятларга, балки ижтимоий шарт-шароитларга қараб ҳам хилма-хил шароитларда намоён бўлади. Масалан, оила тизимида оиладаги муносабатларда унинг катта аъзоларидан талаб қилинган ҳаракатлар, замонавий жамиятда эса бошқача муносабат талаб қилинади.

Инсон бир вақтнинг ўзида турли ролларни бажариши мумкин-ходим, оила аъзоси, спортчи ва бошқалар. Инсон ҳаракатлари орқали, ўзини фаол ва онгли равишда намоён қилади. У кўпроқ ёки камроқ малакали ишчи, ғамхўр ёки бефарқ оила аъзоси, ҳаракатчан ёки дангаса спортчи бўлиши мумкин. Инсон шахс сифатида ўз фаолиятини актив ифодалаши билан намоён бўлса, инсоннинг шахс сифатида шаклланмаганлиги унинг фаолиятида оқим бўйлаб ҳаракатланишга қиёсланади.

Шахсни жамиятдаги тутган ўрни орқали ўрганиш инсоннинг ижтимоий муносабатлар билан алоқаси, уларга қарамлигини шарт қилиб қўяди. Кўриниб турибдики, роллар тўплами ҳам, уларнинг ижроси ҳам (хуллас, ролнинг

репертуари ва чизмасы) ижтимоий структура билан ва ижрочининг индивидуал сифатлари билан боғлиқ. Уларнинг ролли кўринишларида шахс ривожланади, такомиллашади ва ўзгаради. Ҳаракат қилади, севади, нафратланади, курашади, соғинади. Бу шахс эмас балки шахсиятга эга бўлган инсонга тегишли хусусиятлар. Бу орқали шахс ўз фаолияти ва муносабатларини фақат ўзига ҳос тарзда ташкил этиб, ўзига ҳос тарзда шахс сифатида намоён бўлади.

Дарвоқе, ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳуқуқ билан тўқнашади ва шу асосда унинг ҳуқуқ тўғрисида ўз шахсий фикри шаклланади. “Эҳтимол, бутун ҳаётида давомида табиий фанлар ва тарих масалалари билан қизиқмаган одамни топишингиз мумкиндир, дейди таниқли рус ҳуқуқий назариётчиси Н.М. Коркунов, лекин ҳаётингизда ҳеч қачон ҳуқуқ масаласига билан қизиқмай яшаш мутлақо ақлга сиғмайди. Сиз қанчалик жамият ҳаётидан бегона ва инсонлар билан муомалага киришмасангиз ҳам, ҳуқуқ ҳақидаги саволлардан қочиб қутула олмайсиз. Камида битта ҳуқуқ, шахсий эркинлик ҳуқуқи сизни қизиқтира олади. Ҳатто одамлардан қочсангиз ҳам, уларга: бу менинг шахсий ҳуқуқим, мени шахсиятимга даҳл қилишга ҳаққингиз йўқ дейишингиз керакку”.

Ҳозирги кунда мавжуд бўлган ҳуқуқнинг кўплаб таърифлари орасида ҳуқуқийни ҳуқуқий бўлмагандан ажратадиган, адолат мезонига асосланадиган ва энг аввало демократик қадриятларга мос келадиган таърифларга эътибор қаратиш лозим. Ҳуқуқ – бу инсоний адолат ва эркинлик ғояларига асосланган норматив тизим қурилмаси, асосан қонунчиликда ифодаланган ва ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий муносабатларда ифодаланади. Бу жамиятнинг давлат томонидан ифодаланган ва таъминланган мувозанатли иродаси бўлиб, у ижтимоий аҳамиятга эга муносабатларда шахснинг эркин ҳуқ-атворининг умуммажбурий чоралари шаклида белгиланади.

Ҳуқуқнинг мақсади-қонун яратиш (позитив ҳуқуқ) ва давлатни ҳуқуқий қилиш, у фақат умумий қоидага бўйсунадиган ва ирода эркинлигига эга бўлган мустақил субъектларнинг ижтимоий муносабатларининг шаклидир. “Одамлар тенглиги даражасида эркин ва эркинлиги даражасида тенгдирлар”.

Ҳуқуқ ва қонунни фарқлаш жараёнида, адолат ҳуқуқ тушунчасига киритилганлигини ва шу сабабли ҳуқуқ таърифи бўйича адолатли эканлигини аниқлашимиз мумкин. “Адолат ҳуқуқийдан бошқа принципга эга эмас”. Адолат билан ҳаракат қилиш ҳуқуқнинг умумбашарий ва тенг ҳуқуқли талабларига мувофиқ ҳуқуқий ҳаракат қилишни англатади.

“Ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизими – бу ҳуқуқий соҳанинг ядроси, марказидир ва асосий ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишнинг калитидир”.

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар нафақат давлат ижтимоий тизимнинг нормал яшаш қобилияти учун зарур, фойдали, мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган намуналар, ҳуқ-атвор стандартларини қайд этибгина қолмай, балки давлат ва одамлар ўртасидаги муносабатларнинг асосий тамойилларини тавсифлайди.

Биринчи марта “инсон ҳуқуқлари” ғоялари дастлабки буржуа инқилоблари даврида пайдо бўлган, улар оммани феодализмга қарши курашда бирлаштирган. Шунинг таъкидлаш керакки, инсон ҳуқуқлари ғоялари “халқаро келиб чиқишга эга” бўлиб, улар XVIII асрда Шимолий Америкада ҳам Европада ҳам кенг тарқалган. Инсон ҳуқуқлари конституционализмнинг асоси сифатида қаралиши мумкин, чунки Конституция яратилишининг асосий мақсади инсоннинг эркинлиги ва ҳафсизлигини таъминлаш, биринчи навбатда, давлат ҳокимиятининг ўзбошимчалигидан ҳимоялаш эди.

Инсонлар туғилишдан озод ва тенг деган ғоя, инсон туғилибоқ бир қатор узвий (табiiй) ҳуқуқларга эга бўлиши XVII-XVIII асрлардаги инглиз, америка ва француз инқилоблари даврида қабул қилинган дастлабки конституциявий ҳужжатларнинг асосини ташкил этди. Кейинчалик, демократик деб даъво қилган бирон бир давлат ўз конституциясида инсон ҳуқуқларининг маълум бир рўйхатини киритмасдан қолмаслиги мумкин эмас. Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари ахлоқий ва сиёсий устувор бўлиб қолган ҳолда, юридик шаклга эга бўлди ва ҳуқуқнинг энг муҳим институтига айланди.

Инсонпарварлик қадриятларининг умумий кўламида инсоннинг ўзи каби инсон ҳуқуқ ва эркинликлари марказий ўринни эгаллайди ва бошқалар устидан ҳукмронлик қилади. Уларнинг устуворлиги ва аҳамияти шубҳасиздир, уларнинг роли ва мақсади аниқ. “Инсонийлик ўлчови ҳар қандай ижтимоий ўзгаришларнинг тамал тоши, глобал ва долзарб муаммоларни ҳал қилишда, ҳар қандай ислохотларни амалга оширишда ва давлат дастурларини ишлаб чиқишда ҳавола этиш нуқтасидир”. Айнан шу позитсиялардан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган барча воқеа ва жараёнлар баҳоланмоқда.

Ҳар қандай демократик давлатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда мажбуриятлари, энг муҳим ижтимоий ва сиёсий ва ҳуқуқий институт бўлиб, объектив равишда маълум бир жамият ютуқлари ўлчови, унинг ривожланганлик даражаси ва цивилизациясининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Бу инсоннинг моддий ва маънавий неъматларга, ҳокимият механизмларига, инсоннинг хоҳиш ва истакларини ифодалашнинг қонуний шаклларига уларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришига эришиш воситасидир. Шу билан бирга, индивиднинг ўзини такомиллаштириш, ўзининг мавқеи ва қадр-қимматини мустаҳкамлашнинг зарурий шарти ҳамдир.

Давлат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг мақбул моделларини излаш ҳар доим ҳам асосий муаммо бўлиб келган. Ушбу моделлар ҳал қилувчи даражада жамиятнинг табиати, мулк тури, демократия, ривожланиш даражаси, иқтисодиёт, маданият ва бошқа объектив шароитларга боғлиқ эди. Аммо кўп жиҳатдан улар ҳокимият, қонунлар, ҳукмрон синфлар, яъни субъектив омиллар билан ҳал қилинган. Асосий қийинчилик инсоннинг ўз сал оҳиятини тўсқинликсиз ривожлантириш имкониятига эга бўлиши, бошқа томондан эса миллий мақсадлар тан олиниши ва улуғланиши барчани бирлаштирадиган тизим ва тартибни ўрнатишда ётади. Шунга ўхшаш мувозанат фақат инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларида ўз ифодасини топади.

Шунинг учун ҳам юқори даражада ривожланган мамлакатлар ва халқлар, жаҳон ҳамжамяти инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилишни умумбашарий идеал, изчил тараққиёт ва фаровонликнинг асоси сифатида, турғунлик ва барқарорлик омили деб билади. Бутун замонавий дунё ана шу асосий мақсад йўлида ҳаракат қилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳудудий бўлмаган ва миллий бўлмаган, уларни тан олиш, уларга риоя қилиш ва ҳимоя қилиш нафақат у ёки бу давлатнинг ички иши, балки улар узоқ вақтдан бери халқаро тартибга солиш объектига айланган, улар алоҳида синфларга, миллатларга, динларга, мафкураларга тегишли эмас, балки умумтарихий ва умуммаданийликни забот этишни англатади. Бу ҳар қандай жамиятнинг ахлоқий асосидир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари – бу инсоният цивилизациясининг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, у жамият тараққиётида муҳим ролни ўйнаган ва ўйнамоқда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг моҳияти ва ҳаётга татбиқ этилиши ҳақида кўплаб ҳуқуқшунос олимлар ва файласуфлар бош қотиришган, уларга кўплаб адабиётлар бағишланган. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган қарашлар ва назарияларнинг кўплиги ва фарқли жиҳатларини инобатга олиб, бизнингча уларни икки ҳил ёндашувга ажратилиши мумкин. Ёндашувлардан бири шундан иборатки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари табиатан унга тегишли, у туғилишидан унга эгалик қилади, бу ҳуқуқлар ажралмас ва давлат ва жамиятнинг вазифаси бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, уларнинг бузилишининг олдини олишдир. Ушбу ёндашув демократик жамиятлар ва давлатларга хосдир.

Инсон ҳуқуқлари кўплаб мамлакатлар конституцияларида ва халқаро ҳужжатларда ҳусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, мазкур ҳужжат одатда дунёнинг виждони, инсоният маънавиятининг эталони деб номланади.

“Барча одамлар эркин ва қадр-қиммати ва ҳуқуқлари бўйича тенг равишда туғилишади”. Ҳуқуқларнинг тенглиги нимани англатади? саволнинг соддалигига қарамай, жавоб умуман аниқ эмас. Энг умумий тахминларда иккита жавоб бўлиши мумкин. Вариантлардан бири: ҳуқуқларнинг тенглиги моддий неъматлардаги тенгликни, натижалардаги тенгликни, мавжудлик шароитидаги тенгликни, қисқаси иқтисодий тенгликни англатади. Шу билан бир қаторда, ҳуқуқларда тенглик юридик жиҳатдан тенгликни англатади, яъни қонун олдида тенглик, процессуал жараёнлардаги тенглик, бошланғич имкониятлардаги тенглик, қоидаларга амал қилишдаги тенглик. Процессуал жараёнлардаги тенглик ҳар қандай ҳолатда камситилмасликни англатади.

Шубҳасизки, ҳуқуқий тенгликни иқтисодий ва юридик тушуниш бир-бирига тўғри келмайди. Ҳуқуқларнинг тенглигини юридик тушуниш бошида тенгликни англатади, иқтисодий тушунишда охирида тенгликни талаб қилади. Жамиятнинг турли қатламлари тенгликка ҳар хил муносабатда бўлишади. Жамиятнинг юқори (мулкӣ мақоми ва ҳокимиятга эришиш нуқтаи назаридан) қатламлари ҳар қандай тенгликка қарши бўлсалар, ўрта қатламлар процессуал тенглик тарафдори, қуйи қатламлар эса моддий тенгликка эришиш тарафдоридирлар. Минг йиллар давомида тенгликка бўлган муносабат ғолибларнинг муваффақиятини оқлашга асосланган бўлиб, тенглик рад этилган. Қарама-қарши мувозанат сифатида моддий тенглик ғояси пайдо бўлди ва минг йиллар давомида давом етиб келмоқда. Буюк француз инқилоби йилларида процессуал тенглик, қонун олдида тенглик ғояси вужудга келди, одамлар туғилишидан эркин ва тенг ҳуқуқли формуласи пайдо бўлди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари табиӣ ва ажралмас бўлиб, унга туғилишидан бошлаб эга бўлади, энг олий қадрият сифатида тан олинади ва чекланишига йўл қўйилмайди. Инсон ҳуқуқларини тан олиш, уларга риоя қилиш ва ҳимоя қилиш давлатнинг вазифасидир. Инсон ҳуқуқлари бутун халқаро ҳамжамятга тегишли бўлган қадриятдир, уларни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ҳар бир давлатнинг масъулиятидир. Ушбу ҳуқуқлар бузилган жойда жиддий тўқнашувлар, тинчлик ва кўпинча ташқи аралашувга таҳдид соладиган кескинлик ўчоқлари пайдо бўлади.

Ўзининг юридик табиати ва ҳимоя қилиш тизимига кўра “ҳуқуқлар” ва “эркинлик” тушунчалари бир хил бўлиб, инсон томонидан турли соҳаларда давлат томонидан тақдим этиладиган ижтимоий имкониятлар тасвирланган. Шу билан бирга, конституциявий қонунчиликни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, “эркинлик” тушунчаси унинг ўзига хос натижасини кўрсатмасдан, индивидуал танловнинг янада кенг имкониятларини таъкидлашга қаратилган: “ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади...” (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси); “ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси). Шу билан бирга “ҳуқуқ” тушунчаси инсоннинг ўзига хос аниқ ҳаракатларини белгилайди (масалан, давлат ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқи, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи). Бироқ, ҳуқуқлар ва эркинликлар ўртасидаги фарқни аниқлаш қийин, чунки кўпинча аниқ белгиланган ваколатларга эга бўлган сиёсий ҳуқуқларнинг барча соҳалари “эркинликлар” деб ҳам номланади. Терминологиянинг фарқи ананавийдир. Шунга қарамай, аксарият ҳолларда, субъектив ҳуқуқ ҳақида гап кетганда, ушбу ҳуқуқга мос келадиган мажбурият ётадиган озми-кўпми аниқроқ бир субъект мавжуд деб тахмин қилинади. Масалан, агар соғлиқни сақлаш ҳуқуқи таминланиши кафолатланган бўлса, ушбу ҳуқуқни таъминлаш мажбурият субъекти давлат (баъзи ҳолларда нодавлат) соғлиқни сақлаш муассасалари ёки айрим врачлар бўлиши керак. Эркинлик ҳақида гапирганда, биз ушбу эркинликни ҳурмат қилишга мажбур бўлган субъектларнинг номаълум доирасига мурожаат қилган ҳолда, ушбу эркинликни рад этиш ёки чеклаш тақиқланишини назарда тутамиз, деярли ҳар қандай мумкин бўлган эркинликни бузувчи субъектдан масалан, агар сўз эркинлиги конституцияда мустаҳкамланган бўлса, инсон давлатдан ўзи хоҳлаган нарсани очиқ айтишига тўсқинлик қиладиган ҳар қандай субъектдан ҳимоя талаб қилишга ҳақлидир.

Ҳуқуқ ва эркинлик ўртасидаги аниқ фарқ жуда шартли ва бу ҳамма ҳолларда ҳам қўлланилмайди. Масалан, ўқитиш эркинлиги (академик эркинлик) мустаҳкамланган бўлса, демак, таълим муассасасида ишлайдиган ўқитувчининг ушбу эркинлигини таъминловчи, мажбурият юкланган субъект албатта таълим муассасасининг маъмурияти ёки ишончли вакили бўлишини назарда тутати. Улар, авваламбор, ушбу эркинликни ҳурмат қилишлари ва ушбу эркинликни таъминланишига кафолат беришлари шарт, аммо аксарит ҳолларда аввало, ушбу эркинликни бузувчилар ҳамўша субъектлар бўлиб чиқиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари қонунчилик асосини ташкил этади. Инсоннинг бошланғич (асосий) ҳуқуқлари, инсоннинг жамиятдаги эркинлиги ва иқтисодий ҳуқуқларини тавсифловчи ҳуқуқлар, шунингдек инсоннинг ҳуқуқлари билан бирга чамбарчас боғлиқ бўлган бурчлари ҳам ҳуқуқ билан боғлиқ категория сифатида эътироф этилади. Инсоннинг асл, асосий ҳуқуқлари энг умумий характерга эга бўлиб, улар бошқа барча ҳуқуқларнинг фалсафий ва юридик асосларини ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари туғилишидан унга тегишли. Ушбу формула уларнинг инсоният жамиятининг барча бошқа меъёрларидан устунлигини англатади. Давлат, жамият, қонун чиқарувчи инсон томонидан умумеътироф этилган инсон ҳуқуқларига тажовуз қилиш ҳуқуқига эга эмас, уларни ҳимоя қилишга чақирилади. Бундан келиб чиқадики, халқаро ҳамжамят

томонидан умум тан олинган инсон ҳуқуқлари, улар бузилган ёки миллий қонунчиликда мустаҳкамланмаган ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича умум эътироф этилган халқаро меъёрлар миллий қонунчилик меъёрларидан устун туради.

Бундан ташқари, қонун ва суд олдида барча тенгдир. Ушбу формулада инсон ҳуқуқларининг ҳуқуқий квинтэссенцияси, бу одамларнинг ҳуқуқий (процессуал) тенглигини англатади. Унда ҳар қандай асослар ва ҳолатлар бўйича ҳар қандай камситишнинг йўл қўйилмаслиги кафолатланади. Биринчи қарашда, шахсларнинг қонун ва суд олдида тенг ҳуқуқлилиги талабининг қўлланилиши қийинчилик туғдирмайди, ҳам қонунга биноан, ҳам суд муҳокамаси жараёнида уларнинг ҳуқуқлари айрим кишиларни бошқалари устидан камситилишига ёки эркинликларига қайсидир шаклда даҳл қилинишига йўл қўйилмаслиги керак. Аммо аслида яъни амалиётда ҳамма нарсаси мураккаброқ бўлиб чиқади.

Давлат ва инсон ўртасидаги муносабатлар ишонччилик ва аниқ тартибга солинганликни талаб қилади. Бу мавжуд тизимни сақлаб қолиш, унинг нормал фаолият юритиши учун ушбу турдаги муносабатларнинг алоҳида аҳамияти билан боғлиқ. Ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалик қилишнинг яна бир зарурий шарт бу инсоннинг фуқароликка эга бўлиши яъни инсоннинг маълум сиёсий ва ҳуқуқий мақомга эга бўлиши билан ҳам белгиланади. Бу индивиднинг ҳуқуқий жиҳатдан маълум бир давлатга мансудлигини билдирадиган, юридик шаклда ҳаракат қиладиган, фуқаролик институтида сиёсий ва ҳуқуқий ифодани оладиган унинг меъёрлари фуқароликни олиш, фуқароликни йўқотиш ва ҳоказоларни белгилайди.

Инсон ҳуқуқлари ва фуқаронинг ҳуқуқлари ўртасидаги фарқларга келсак, бу фарқлар маълум асосларга эга, улар қуйидагича:

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари қонунчиликни тан олиш ва қонунчилик консолидациясидан мустақил равишда, уларнинг ташувчиси у ёки бу давлат билан алоқасидан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин. Булар, хусусан, туғилишдан бошлаб ҳар кимга тегишли бўлган табиий ажралмас ҳуқуқлардир. Фуқаронинг ҳуқуқлари шахс тегишли бўлган давлат томонидан ҳимоя қилинади. Иккинчидан, дунёдаги кўплаб одамлар умуман фуқаролик мақомига эга эмаслар ва шунинг учун улар расмий равишда инсон ҳуқуқларига эга, аммо фуқаролик ҳуқуқларига эга эмаслар. Бошқача қилиб айтганда, инсон ҳуқуқлари ҳар доим ҳам юридик категория сифатида ишламайди, лекин фақат ахлоқий ёки ижтимоий тамойил сифатида мавжуд бўлади. Ушбу фарқ жуда узоқ вақт олдин пайдо бўлган, бу ҳеч бўлмаганда 1789 йилдаги Франция инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларациясининг номи билан тасдиқланган. Шунингдек, у аксарият замонавий декларациялар ва конституцияларда ҳам сақланиб қолган. Бироқ, бизнинг давримизда ушбу бўлиниш тобора ўз маъносини йўқотмоқда, чунки туғма инсон ҳуқуқлари азалдан барча ривожланган демократик давлатлар томонидан тан олинган ва шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида фуқаронинг ҳуқуқлари сифатида кўрилмоқда.

Қандай бўлмасин, давлат ичида ҳуқуқларни “иккита турга” фарқлаш амалий аҳамиятга эга эмас. Бундан ташқари, маълум бир мамлакат ҳудудида яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам ўша давлат қонунлари ва халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда юрисдикциясидан фойдаланадилар.

Оммавий ахборот воситаларининг лексиконида, кундалик ҳаётда ва ҳаттоки фанда инсон ҳуқуқлари одатда фуқаро ҳуқуқлари, шахс, субъект, индивид, шахсий ҳуқуқлари билан бир хил тушунилади. Баъзи ҳуқуқшунос олимлар айниқса назарий ёки олимлар ушбу концепцияни ёқлашмайди ёки муҳим эслатмалар беришлари бежиз эмас. Кўп қарашлар ўтмишдан олинган ва анъаналар билан сақланиб қолган.

Инсонлар ўртасидаги муносабатлар ижтимоий нормалар билан тартибга солинади. Ҳуқуқ нормасида мустаҳкамланмаган ёки мустаҳкамланган бўлсада, маънавий тусга эга бўлганлиги боис бошқа ҳуқуқлар сингари ҳимоя қилинмайдиган инсон ҳуқуқлари борлигини ҳам ёдда сақлашимиз лозим.

Инсоният цивилизациясида инсоннинг табиий ҳуқуқлари тушунчаси замирида қарийб уч юз йилдан бери ривожланиб келаётган ижтимоий сиёсий қарашларнинг либерал демократик қадриятлари ётади. 1776 йилда қабул қилинган АҚШ мустақиллик декларацияси, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституцияси ва 1791 йилги ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл ҳамда 1789 йилги Франция декларациясида инсон ҳуқуқлари ҳимоясига сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан расмий тус берилганлиги билан аҳамиятли. Лекин шуни унутмаслик керакки ўша даврда инсон ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимояси барчага бирдек жорий этилмаган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг инсон ҳуқуқларига янгича қараш шаклланди. Инсоннинг табиий ҳуқуқларининг эътироф этилиши БМТ ҳужжатларида, кўп давлатларнинг урушдан кейинги қабул қилинган конституцияларида ҳам ўз аксини топган. Европача фалсафа (евроцентризм) шаклланди. Аммо инсоннинг табиий ҳуқуқларини тушунишда Шарқона ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра табиий ҳуқуқлар инсонга Худо томонидан у дунёга келгандан бериладиган яшаш ҳуқуқи, туғилиш ҳуқуқи билан асосланади. Инсон ҳуқуқларига табиий ёндашув Х. Раҳмонкулов, А. Рахимов, А. Саидов, А. Жузжоний, А.Б. Ғафуровнинг илмий ишларида ҳам учрайди: “Инсон табиятининг ўзидан келиб чиқадиган адолат тушунчаси табиий ҳуқуқнинг асоси”, ҳар бир инсон туғилишидан табиий ҳуқуқларга эга. Инсоннинг табиий ҳуқуқлари унга фақат инсон ва кишилик жамиятининг аъзоси бўлгани учунгина тегишли бўлган ҳуқуқларидир. Ушбу назария нафақат ҳуқуқий балки, ижтимоий ҳамда сиёсий мазмунга эга. “Инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ва миллий қонунчиликда мустаҳкамланган, инсоннинг моҳиятидан келиб чиқадиган ва фақат инсон бўлганлиги учунгина унга тегишли бўлган табиий ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуидир” дея халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан ёндошиб таъриф берганлар.

Табиий ҳуқуқлар объектив равишда мавжуд бўлиб, ҳуқуқий расмийлаштиришга муҳтож эмас. Баъзи олимлар инсоннинг табиий ҳуқуқларини ёзилиши шарт булмаган, ўзида одат нормаларини, маънавий ҳуқуқлар ва чеклашларни қамраб олган тушунча сифатида таърифлашади. Аммо ҳозирда инсон ҳуқуқлари тушунчаси одоб-ахлоқ нормаси ва қоидаларидан, позитив ҳуқуқ категориясига ўтган бўлиб, халқаро ҳужжатларда ва қарийб барча давлатлар миллий қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари бўлинмас ва унга туғилганлигидан тегишли ҳисобланади. Шу билан бирга “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари” тушунчаси ва “эркинлик” тушунчалари ҳам фарқланади. Масалан “эркинлик” тушунчаси фалсафий тушунча сифатида инсоннинг эркин ҳаракат қилишига, ўз ҳоҳиш ихтиёрига таяниб, иш тутушига

имкон беради. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тушунчаси эса торроқ, ҳуқуқий тушунча бўлиб, қонун билан чегараланган ва фақат қонун доирасидагина амалга ошадиган тушунча ҳисобланади. Ш. Монтеске эркинлик тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Эркинлик бу қонун билан руҳсат этилган ҳамма нарсани қилиш ҳуқуқидир”. Эркинлик тушунчасининг фалсафий моҳиятини В. Гегел: “Ким ўзини англамаси, у эркин эмас, ким эркин эмас экан ўзини англай олмайди” дея изоҳлайди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дебочаси ҳисобланган яна бир тушунча бу инсоннинг шаъни ва қадр-қимматидир. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги барча қарашлар инсон қадр-қимматига асосланган. Шаън, қадр-қиммат тушунчалари фалсафий тушунча бўлиб, инсонгагина тегишли бўлган, ажралмас, ижобий ҳусусият ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари тушунчасининг асосчиларидан бири саналган француз маърифатпарвари Ж.Ж. Руссо қадр-қиммат инсоннинг шахсиятида, ўзлигида мужассамлигини эътироф этган ҳолда: “Ўз эркинлигидан воз кечмоқ бу инсоннинг шахсиятидан, қадр-қимматидан, шаънидан ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларидан бош тортмоқ деганидир... Бу инсон табиятига ётдир” дея таърифлаган. Инсон ҳуқуқлари фалсафаси моҳиятида инсон шаъни ва қадри асосий рол уйнайди. Бундай ёндашув Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддасида ҳам ўз аксини топган: “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”. Инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардагина инсон қадр-қиммати ифодаланади. Қадр-қиммат тушунчасининг объектив умуминсоний ҳусусиятидан ташқари, ҳусусий, конкрет инсонларда ифодаланадиган ҳусусияти ҳам мавжуд. Инсоний қадр-қиммат бу бир инсоннинг бошқа инсонлар томонидан баҳоланишидир. Жамият томонидан бир инсоннинг ижодий, ишбилармонлик ҳусусиятларини эътироф этилишидир.

Инсоннинг ижтимоий аҳамиятга молик ижобий ҳусусиятлари қанчалик кўп бўлса, унинг қадри ҳам шунчалик баланд бўлади. Инсоннинг субъектив қадр-қимматининг баҳоланиши бу инсоннинг жамият билан ўзаро муносабатидаги роли, ҳиссаси, таъсири масаласида ҳам намоён бўлади. Шахсий қадр-қиммат замирида ўзига нисбатан алоҳида муносабат, жамият ва бошқалар томонидан унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилинишини талаб қилиш ҳисси ётади. Инсон қадр-қиммати нафақат фалсафий, ахлоқий балки конституциявий, ҳуқуқий категория ҳамдир. Миллий қонунчилигимизнинг асоси бўлган Конституциямизнинг 27-моддасида ва Ўзбекистон Республикасининг ФК нинг “Шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар” деб номланувчи 99-моддасида ўз аксини топган.

Инсон шаъни ва қадр-қиммати эътироф этилиши билан бирга ҳимоя қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг ФКнинг “Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш” деб номланган 100-моддасида инсон шаъни, қадр-қиммати ва обрўсини ҳимоя қилиш механизмнинг ҳуқуқий асоси белгилаб берилган. Шунингдек президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз маърузаларида ҳам “Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур” дея таъкидлаганлар.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бу аввало инсон аъмоли тўғрисидаги дунёқарашни фалсафий тушуниш тизимидир. Шунингдек инсон ҳуқуқлари бу инсонлар ўртасидаги муносабатларни ижтимоий тартибга солиб турувчи одоб-ахлоқ принциплари ва ҳуқуқ нормаларидан ташкил топган тизим дея ҳам эътироф этиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Права человека. /Отв. ред. Е.А. Лукашева. М., 2001. С. 91.
2. Шопенгауэр А. “Мир как воля и представление”: в Т.2. М.,1993. С. 408.
3. Боголюбова Л.Н., Лазебникова А.Ю. Человек и общество, М, 2000. С. 11-12.
4. Василев А.М. Правовые категории. Методологические аспекты разработки системы категорий теории права. М., 1976. С. 96.
5. Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. М., 1986. С.15.
6. Малцев Г.В. Понимание права. Подходы и проблемы. М., 1999. С. 33 – 34.
7. Нерсисянц В.С. Политико-правовые ценности: история и современность. /М, 2000. С. 22.
8. Витрук Н.В. Основы правового положения личности в социалистическом обществе. М, 1979. С. 29.
9. Малцев Г.В. Права личности: юридическая норма и социальная действительность. Конституция СССР и правовое положение личности. М, 1979. С.50.
10. Mualliflar jamoasi: A.Saidov muharrirligida. Inson huquqlari umumiy nazariyasi -Т., 2012. -304 b.
11. Синюков В.Н. Российская правовая система. Саратов, 1994. С. 239.
12. Карташкин В.А. Универсализация прав человека и традиционные ценности человечества. Современное право, -М.,2012. №8.С.3-9.
13. Карташкин В.А. Права человека: международная защита в условиях глобализации. – М., 2011. С. 22-98.
14. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi. BMT 217A(III) 1948-y. 10 dekabr. 1-modda.
15. Лившиц Р.З. Теория права. М., 1994. С. 152.
16. Гусейнова К.Н. Право человека на высшее образование по международному праву и проблемы его обеспечения в условиях глобализации. Дисс. на соис. учен.степ.канд.юрид.наук.-М.: 2015. С.220.
17. Гойман В.И. Действие права: Методологический анализ. М, 1992. С. 121 – 122.
18. Gafurov A.B. Inson huquqlari.- Т.: Baktriya-press, 2012.-В. 156.
19. Ш.Монтеске. О духе законов. Избранные произведения- М.: Госкомиздат. 1955. с. 289.
20. В.Гегел. Философия права.-М.: Мысль. 1990.с.387
21. Ж. Руссо Трактаты. -М., 1969.